ЯНГИ РУБРИКА

«АТЕИСТИК ТАРБИЯНИНГ ЖАНГОВАРЛИГИ УЧУН»

КПСС XXVII съездида идеология ишидаги асосий мўлжал меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик руҳида тарбиялаш, ахлоқимизга ёт бўлган жамики нарсаларнинг ҳаммасига муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Динга қарши пропаганда ва атеистик тарбияни кучайтириш шу куннинг энг актуал проблемаларидан бири ҳисобланади. Жойларда атеистик пропаганданинг ҳолати учун, янги совет маросимларини жорий этиш учун партия ташкилотлари, коммунистларнинг масъулиятини ошириш борасида муайян ишлар олиб борилянти. Шу боисдан атеистик пропагандани тубдан қайта қуриш энг муҳим вазифадир.

Бугундан бошлаб «Тошкент оқшоми» газетаси «Атеистик тарбиянинг жанговарлиги учун» янги рубрикаси остида туркум материалларни мунтазам равишда бериб боради. Унда эскилик сарқитларига, иримсиримларга, хурофотларга, айрим кишилар онгидаги қолоқликка қарши курашни кучайтириш борасида шаҳримизда олиб борилаётган ишлар, шунингдек айрим қолоқ урф-одатлар ботқоғига ботган шахслар тўғрисидаги ранг-баранг материаллар билан таништириб борамиз.

Қадрли оқшомхонлар! Сизларнинг шу мавзуда ўзингизни тўлқинлантираётган хат-хабарларингизни кутамиз.

Кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, уларни маърифатли қилиш, янги совет маросимларини ва одатларини кенг ёйиш — атеистик тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмидир.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасидан).

# ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Атеистик тарбиянинг восита ва услубларини ҳар томонлама такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш борасида ҳаётдан, социалистик турмуш тарзининг ютуқларидан келиб чиқиб иш кўриш керак. КПСС XXVII съездида атеистик тарбия соҳасидаги тарғибот ва ташвиқот ишлари жойларда партиянинг замонавий талабларига жавоб берадиган даражада эмаслиги ҳаққоний таъкидланди. Воқеликдан, унинг реал проблемаларидан ажралиб қолиш ғоявий-тарбиявий ишни мавҳум маърифатчиликка, қуруқ сафсатабозликка айлантириб қўйиши КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида ҳам таъкидлаб ўтилган. Коммунистик дунёқарашни шакллаштиришда муҳим соҳа ҳисобланган атеистик тарбия орқали диний сарқитларга, эски урф-одатларга қарши курашни кучайтириш зарур. Идеология ишининг барча соҳасида йўл қўйиб бўлмаганидек атеистик тарбияда ҳам фаолиятсизлик, лоқайдлик, бефарқликка йўл қўйиш асло мумкин эмас, балки, изчил, доимий, сермазмун иш олиб борилмоғи керак.

Атеистик тарбия социалистик турмуш тарзининг асослари бўлмиш меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириши, бу иш илмий-практик бирликда ташкил қилинмоғи, партиянинг актив ва фаол кишини тарбиялаш борасидаги талабларига монанд бўлиши лозим. Атеистик тарбияга ижодий ёндошиш сусайганлиги сабабларидан бири, айрим ҳолатларда бу талабларга етарлича жавобгарлик ҳиссини сезмаслик бўлса, бошқа ҳолларда шошма-шошарлик, кампаниячилик, аниқ мўлжални кўзламасдан юзаки тадбирлар планлаштириш бўлди.

Бунинг натижасида атеистик мавзуда ўтказилаётган лекциялар, кечалар ва учрашувларда асосан динни танқид қилиш, диний урф-одатлар ва анъаналарни қоралаш устунлик қилиб, маркс-ча-ленинча атеизмнинг социалистик гуманизм, маданият, ахлоқ ва ижтимоий активлик жиҳатлари пропагандистлар фаолиятида етарлича ўрин олганича йўқ. Съезд материалларида қайд қилинганидек, идеология ишидаги барча воситалар ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Сийқа суҳбатларни камайтириш, лоқайдликка чек қўйиш, янгиликни илғамаслик касалидан тезлик билан қутилиш йўлларини белгилаш керак.

Атеистик тарбия самарадорлигига эришиш шартларидан яна бири ҳозирги кунда партия ва жамоат ташкилотлари, давлат органлари, меҳнат коллективлари, мактаб ва оиланинг биргаликда иш олиб боришидадир. Шу жумладан умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни амалга оширишда партия қўйган мақсадлардан бири ўқувчилар онгида коммунистик ва илмий-материалистик эътиқод пойдеворини шакллантиришдир. Бу муҳим вазифани амалга оширишда мактаб ва оиланинг доимий алоқада бўлиши ёш авлодни тарбиялашда катта ўрин тутади. Мактаб ва оила ўртасидаги алоқанинг узилиб қолиши натижасида ўсмирларнинг мактабда олаётган таълими оилада етарлича мустаҳкамланиш ўрнига айрим ҳолларда у диндор оила аъзолари таъсирига тушиб қолиши мумкин. Съездда таъкидланганидек, ота-оналарнинг бола тарбияси учун жавобгарлигини ошириш ва мактабнинг ёш авлодга коммунистик тарбия беришдаги ролини мустаҳкамлаш таълим-тарбия самарадорлигини оширишга олиб келади.

Атеистик тарбия соҳасида сўз ва иш бирлиги муҳим аҳамият касб этади, чунки жамиятимизда дин ва диндорликни яратувчи объектив асослар йўқотилган бир даврда, айрим кишиларнинг онгида урф-одатларнинг сақланиб қолишида субъектив муносабатлар катта сабабчи бўляпти. Ҳозир Тошкентда 45 лекторий ишлаб турибди. Бу лекторийлар ичида совет савдоси техникуми, кўрлар жамиятининг маданият саройида, 6-таксопаркда, Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Главташкентстрой» қошидаги ўқув курси комбинатида, В. И. Ленин номидаги педагогика билим юртида, «Промсвязь» заводида, Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғидаги лекторийлар иши махсус ишлаб чиқилган йиллик план асосида олиб борилмоқда.

Атеистик дунёқарашни ва янгича урф-одатларни тарғибот қилишда аҳоли турар жойларида олиб борилаётган савол-жавоб кечаларининг ролини оширишга эътиборни кучайтиряпмиз. Масалан, Октябрь, районидаги «Янги шаҳар» маҳалласи клубида ўтказилган кеча ғоят мазмунли ўтди. Унда район партия комитети ходимлари иштирок этишди.

«Медицина ва дин», «Ёшлар ва дин», «Дин ҳақида ҳақиқат», «Икки дунё ва икки ахлоқ» ва бошқа мавзуларга бағишланган савол-жавоб кечалари шаҳримизнинг «Чархкамолон», «Самарқанд дарбоза» ва бошқа ўнлаб маҳаллаларида ўтказилмоқда. Атеистик тадбирлар шаҳримиздаги 14, 40, 200, 203-мактабларда, 45-ҳунар-техника билим юртида, А. Беруний номидаги политехника институтида мунтазам ўтказиляпти. 200-ўрта мактаб педагоглари ва ўқувчилари ўз тадбирларини фақатгина мактаб доирасида чекламасдан, атрофдаги маҳаллаларга ҳам таъсир ўтказишмоқда. Ўсмирларни атеистик руҳда тарбиялашда мактаб билан оила ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш самарасини шу мактаб мисолида кўриш мумкин.

Тошкент политехника институти студентлари ташаббуси билан ҳар хил тадбирлар ўтказиляпти. «Уч авлод учрашуви» студент-ёшларни фақат атеистик руҳдагина эмас, балки интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам яхши самаралар бермоқда.

Шаҳар меҳнаткашлари ва аҳоли ичида атеистик пропагандани олиб боришда районлар миқёсида ташкил қилинаётган «Атеистик кунлар» ва «Ҳафталиклар» катта аҳамият касб этмоқда. Шу йилнинг ўтган даври ичида Тошкентда 80 дан ортиқ шундай тадбирлар ўтказилди. Бу «кунлар» ва «ҳафталиклар»ни тайёрлашда район партия комитетлари ходимлари, район «Билим» жамияти аъзолари, маданият ва маориф бўлими ходимлари атеист-мутахассислар билан биргаликда актив қатнашмоқдалар. Атеистик пропагандани давр талаби асосида уюштириш учун, унинг жанговарлигини, таъсирчанлигини кучайтириш учун мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинаяптими, деган саволга, афсуски, ҳозир ижобий жавоб бериш қийин.

Хўш, бу борада мавжуд бўлган ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар конкрет нималардан иборат?

Шаҳримизда етук атеист мутахассислар етарлича эмас, барча ташкилотлар ёки турар жойларда атеистик тадбирлар юқори савияда ўтказилмаётганлигига асосий сабаблардан бири шу. Ҳали ҳам партия ташкилотларининг ҳаммаси идеология ишининг муҳим қисми бўлган атеистик пропагандага етарлича эътибор беряпти деб бўлмайди. Баъзи жойлардаги атеистик пропаганда борасидаги тадбирлар юзаки, шунчаки қўл учида, тингловчиларнинг талаб ва саволларини ҳисобга олмаган ҳолда олиб борилмоқда.

Атеистик пропаганда самарадорлигини оширишда республика илмий атеизм уйи ходимлари ҳам етарлича методик ишлар олиб боряпти, деб бўлмайди. Биз тайёрлаётган методик тавсия ва қўлланмаларни ҳали атеистик иш ташкилотчиларининг ҳаммасига ҳам тарқатишга улгураётганимиз йўқ.

Шу кунларда республика илмий атеизм уйи коллективи ўз олдида турган барча муаммоларни бартараф этиш борасида иш олиб бормоқда. Яқин кунларда атеистик иш ташкилотчилари учун амалий консультация бериш мумкин бўлган методик кабинет ишга туширилади, кинолекторий пропаганданинг янги техникавий воситалари билан жиҳозланади. Кўргазма залимиз эса янги экспонатлар билан бойийди.

М. ЯХЕЕВ,
республика илмий атеизм уйининг директори.



СУРАТДА: Республика илмий атеизм уйи экспонатлари доимо ташриф буюрувчилар эътиборини ўзига тортмоқда.

Х. Шодиев фотоси

# ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Аҳоли ўртасида атеистик пропаганда ишларини олиб боришда халқ университетларининг роли каттадир.

Буни пойтахтимиздаги Акмал Икромов район «Шарқ юлдузи» маҳалласида ташкил этилган «Ота-оналарга педагогик билимлар берувчи халқ универститети» ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу университетнинг асосий мақсади — ота-оналарга болаларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш санъатини ўргатиш ва уларнинг ўз маданиятларини оширишдан иборатдир. Универститет структураси шундай тузилган: ректор раҳбарлигида 5 кишидан иборат методик совет ташкил этилган. Университетнинг 2 факультети бор: педагогик билимлар ва медицина билимлари факультетлари. Педагогик билимлар факультетини В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг педагогика кафедраси, яъни бизнинг кафедрамиз ўз оталиғига олган. Медицина соҳасидаги пропаганда ишларини эса врач доцент Махфуза Оллоёрова (сил касалликлари илмий-текшириш институти ходими) бошқаради.

Университет машғулотларини олиб боришга маҳалламиздаги 20 нафар олим яқиндан ёрдам бермоқда. Унинг машғулотлари мунтазам ўтяпти. Ҳозир бу университетда 120 нафар киши билим олмоқда.

Унда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда, консультация бюроси ишлаб турибди. Шунингдек, концертлар, экскурсиялар ҳам уюштирилмоқда.

Университетда ўтаётган ҳар бир машғулотнинг иккинчи мавзуси ёшларнинг атеистик тарбиясига бағишланяпти. Маҳалла комитети хонасида атеистик бурчак ҳам ташкил этганмиз. Ҳар гал атеистик мавзудаги лекция ва суҳбатларга шаҳримизнинг йирик олимлари ташриф буюришади.

Кейинги вақтда «Болаларнинг мактаб ва оиладаги илмий-атеистик тарбияси», «Диннинг бола ақлий ривожига зарари», «Исломнинг асосий маросимлари», «Шариат одатларининг инсоннинг шахсий ва жамоат ишларига зарари» ва бошқа мавзулардаги лекциялар маҳалла ёшлари ўртасида айниқса қизиқиш уйғотди.

Биз атеистик тарбиянинг самарадорлигини ошириш учун бир қатор тадбирлар ишлаб чиқдик.

Ҳозирги кунда ёшларимиз ҳар томонлама баркамол, маданиятли, соғлом бўлиб ўсишлари лозим. Маҳалламиз эса «Шарқ юлдузи» маҳалласи комитетининг раисаси, А. Икромов район Советининг депутати Одилахон Умархўжаева раҳбарлигида ўзига хос маданият ўчоғига айланмоқда. Унинг ташкилотчилиги туфайли хотин-қизлар совети ҳам ўз ишларини жонлантириб юборди. Масалан, «Маҳалланинг энг яхши уй бекаси — моҳир тарбиячиси» номи учун конкурс эълон қилинган. Бундай конкурслар уюштирилаётганига тўрт йилдан ошди.

Университет фаолиятининг самараси ва таъсири яққол сезиляпти. Тўй ва маросимларнинг ниҳоятда ихчам уюштирилишида кўпгина муваффақиятлар қўлга киритилди.

Келинг, яхшиси университет фаолиятининг самараси тўғрисида тингловчиларнинг ўзларига сўз берайлик. А. Тожиев кўчасидаги 158-уйда истиқомат қилувчи 8 боланинг онаси, «Чевар» бирлашмаси ишчиси Мавжуда Қосимова шундай дейди: «Мен университет машғулотларига мунтазам қатнашаман. Бу машғулотлар фарзандларимизни атеистик руҳда тарбиялашда бизга кўп жиҳатдан ёрдам бераётир. Менингча, фарзандларимизнинг ўқиши, меҳнатсевар бўлиши ва хулқ-одобининг яхши бўлишида университетнинг ҳиссаси катта бўляпти».

Шуни ишонч билан айтаманки, университет қатнашчиларининг барчаси ҳам машғулотларимиздан ана шундай мамнундирлар. «Маҳалланинг энг яхши уй бекаси — моҳир тарбиячиси» номини олиш учун ўтказилаётган конкурс бунинг ажойиб меваси бўляпти. Таклифлар дафтарига бундай миннатдорчилик ва мамнуният сўзлари кўп ёзилган. Мақсадимиз университет машғулотларини янада қизиқарли қилиш, унинг форма ва методларини бойитиш, ёшларни атеистик руҳда тарбиялашда унинг ролини янада оширишдан иборат.

Қ. ОБИДОВА,

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети педагогика кафедрасининг катта ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари кандидати.

## Ўтмишдан бир лавҳа

# Дин пешволарининг ҳийласи

Ўтган асрнинг бошларида Қўқон хонлигининг йирик марказларидан бири бўлган Тошкент ҳақида талайгина замондошлар, саёҳатчилар ва тарихчиларнинг ёзишмалари ҳамда эсдаликлари асосида унинг қиёфасини тиклай оламиз. Шаҳар тўрт даҳага бўлинган. Улардан энг каттаси ва энг кўҳнаси Шайхонтоҳур даҳаси бўлиб, худди шунда ҳоким қароргоҳи — Ўрда жойлашган. Шимоли-шарқ томонидан унга Себзор, ғарбдан Кўкча ва жанубдан Бешёғоч туташ эди. Шаҳар маркази — тўрт даҳа ўртасида савдо маркази — катта бозорда ҳаёт қайнаган. Шу бозорга Чорсу чорраҳаси ёндош эди.

Даҳалар маҳаллалардан ташкил топган. Шайҳонтоҳур даҳасида 48, Себзорда 38, Кўкчада 31 ва Бешёғочда 32 маҳалла бўлган. Тошкент маҳаллалари Бухоро ва Самарқанддаги маҳаллалардан фарқли ўлароқ икки-уч жамоадан иборат бўлиб уларнинг ҳар бири ўз мачитига эга бўлган. Ҳар бир маҳалладаги 200— 300 хонадон эгалари мачит имоми ваъзини тинглаган. Хонлар тайинлайдиган беклар шаҳар идорасида руҳонийларга суяниб иш кўришган. Шариат пешволари «авом» халқни итоатда тутиш ва диннинг таъсир кучини ошириш учун турли туман ҳийлаю-найрангларни ишлатишган.

XIX асрда Тошкентда яшаган Юсуф Мешкоб тақдири бу жиҳатдан диққатга сазовордир.

... Бозорда сув ташувчи ва қоровул бўлиб хизмат қилувчи бешёғочлик Юсуфни «мешкоб» деб аташар эди. Соқолига оқ оралаган, қотма, хушфеъл Юсуфни халқ яхши билган. Эрталаблари бозор майдонига сув сепиб, чойхоналарни оби-ҳаётга тўлдирувчи Юсуф кечалари ихтиёрий равишда бозорга қоровуллик қилади. Дўкондорлар, боққоллар, чакана савдогар ва ҳунармандлар молларини унга комил ишонч билан ташлаб кетишади. У одатда қоровулга бериладиган пулни олмасди, халққа холис хизмат қиларди. Шунинг учун бозор аҳли кўп йиллар давомида ҳалол хизмати билан эътибор қозонган Юсуфни тегишли моллар билан таъминлаб, рўзғорига қарашиб туришган. Юсуф мешкоб бошига иш тушган одамга ёрдамини аямаган. Камбағаллар дардига малҳам бўлувчи, сахий табиат ва ниҳоятда қаноатли Юсуф ўзининг меҳнатсеварлиги, одамийлиги билан катта-кичик ҳурматига эришган. Калондимоғ бойлар ҳам у билан ҳисоблашишган. Шариат пешволарига ҳам у ўзининг камтарона турмуши билан маъқул бўлган. Худди шулар оғир турмушдан, Қўқон хонларининг беҳисоб солиқлари ва зулмидан безор бўлиб курашга отланаётган халқ оммасини чалғитиш учун Юсуфдан фойдаланишга уринишди.

Машҳур Тошкент ҳунармандларининг қўзғолонидан 8 йил олдин, 1839 йилда Тошкентга бир гуруҳ ҳожилар Маккадан қайтишди. Ёз ойи. Юсуф чойхоналарга сув ташимоқда. Кимдир кела солиб, Юсуфга мурожаат қилади.

— Эшитдингизми, Юсуф ака?

Дарров унинг атрофига одамлар йиғилади. Бу одам ҳаммага эшиттириб, Маккадан қайтган тошкентлик ҳожилар оғзидан эшитган янгиликни хабар қилади. Эмишки, Юсуф мешкобнинг «ҳажи қабул бўлганмиш». Маккага бормаса ҳам Юсуф энди ҳожи унвонига эришибди. Ҳеч ким бу хабарни ким айтгани, қаердан маълум бўлганини ўйламади. Улар бу хабарни қувонч билан, мамнуният билан қабул қилишди.

Шариат пешволари худди шу томонини пухта ўйлашган эди. Улар бу воқеага ниҳоятда тантанали тус беришга ҳаракат қилишди. Дарҳол тумонат халойиқ олдида қозикалон Исо ҳожи Қорининг мирзаси ҳозиру-нозир бўлиб Юсуфга қозининг чақириқномасини виқор билан топширди. Хижолатдан қизариб турган мешкоб номани қўлда тутганча бир зум довдираб қолди. Саводи йўқлигини айтиб, мирзадан номани ўқиб беришни тортиниб сўради. Унда аҳоли ўртасида тарқаган бу хабарни шариат асосида тасдиқлаш учун Юсуф гувоҳлар билан Себзор даҳасидаги Қозикўчага—қозихонага ташриф буюриши ёзилган экан. Халойиқ ҳаяжон ичида Юсуфга қарайди. У одамларнинг унга ишончи ва муҳаббатини кўриб турарди. Унга шунинг ўзи кифоя эди. Юсуф халқ вакили эди. У меҳнат аҳлидан эди. Унга риёкорлик, товламачилик ва айёрлик ёт эди.

Юсуф ўзининг синфий онги билан бу ишда кимларнингдир қўли борлигини ва нимадир кўзлаган мақсади ётганлигини тушунди.

Юсуф одамларга ўзининг ғоят ажабланганини айтди. Тошкентдан ҳеч қаёққа чиқмагани, Маккани тушида ҳам кўрмагани, ҳатто ҳаж қилиш хаёлига ҳам келмаганини айтди. Кейин ярим ҳазил, ярим чин оҳангда, «Ҳақиқатан ҳам ҳажим қабул бўлган бўлса, унда қозихонага етгунимча ўлай, шунда бу гапга ишонаман», дейди. У қози мирзасининг отига ўтиради. Орқасидан юзлаб одамлар эргашади. Эски Жўва бозоридан қозихонага борувчи катта Себзор кўчасидан кетишда яна юзлаб одамлар уларга эргашишади. Ниҳоят Исо ҳожи уйи дарвозасига етишди. Мирза отдан тушиб Юсуфга қарайди. Қаттиқ ҳаяжон, асабий зўриқишга Юсуфнинг кекса, заиф юраги дош беролмаган эди. У отда ўтирганча жон берган эди.

Ҳукмрон синфлар иродасини ўзида гавдалантирган руҳонийлар ана шу ниятда бечора Юсуфни ўзларига қурол қилишни ўйлашган эди. Худди шу мақсадда уни кўмиш маросимини ҳам ғоят дабдабали ўтказишди.

Юсуф мешкоб тобутини Тошкент ҳокимининг ўнг қўли бўлмиш ясовулбоши Қаноат шо Оталиқ туяда ўтирганча кўтариб олди. Ён-атрофда миршаблар, олдинда муллалар йўл бошлашди. Улар бундай азиз «ҳожи» осий бандалар дунёсида яшай олмаслиги ҳақида ваъз ўқиб беришарди. Ҳолбуки Юсуф бутун умрини шу «бандалар дунёси»да ўтказиб халққа ҳаётини бағишлаган одам—оддий халқ фарзанди эди. Шунинг учун ҳам шу халқ уни сўнгги йўлига кузатди. Йигирма минг киши Чақар кўприги олдидаги Қўшмозорга эргашиб борди. Ҳатто хон ёки бек ўлганида ҳам бундай кўпчилик мозорга келмаган эди. Халқ ҳожини эмас, балки ўз фарзанди — оддий меҳнаткаш инсон, хурофоту-бидъат ва тақводорликдан буткул озод Юсуфни дафн этарди...

Унинг қабрига номи ёзилган лавҳа ҳам, мармар тош ҳам қўйилмади. Аммо унинг номи меҳнат аҳли ўртасида усиз ҳам машҳур эди.

Шариат пешволари нияти амалга ошмади. Халқ уларнинг нағмасига учмади. Орадан саккиз йил ўтгач Тошкент ҳунармандлари адолатсиз турмуш ва зулмга қарши қўлга қурол олиб қўзғолон кўтарди.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

## СОВЕТ ПАВИЛЬОНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ДАМАШҚ. 33-Дамашқ халқаро ярмаркасининг томошабинлари ўртасида СССР павильони катта муваффақият қозонмоқда. Унга қўйилган экспонатлар Совет Иттифоқининг станоксозлик ва машинасозликдаги, гидроэнергетика, медицина, нашриётчилик соҳасидаги фан ва техниканинг турли тармоқларидаги сўнгги ютуқлари билан таништиради.

Сурия Араб Республикасининг экономика ва ташқи савдо министри М. Ал Имади совет павильонини келиб кўрди. У ТАСС мухбири билан суҳбатда бу кўргазма Совет Иттифоқининг турмушини ва бунёдкорлик қурилишини яққол акс эттиради, деб таъкидлади. СССР павильони доимо энг марокли ва ранг-баранг павильонлардан бири бўлиб келган.

СССР билан САР ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиши бизни ғоят мамнун этади, деб таъкидлади М. Ал Имади ва Суриянинг миллий экономикаси ҳамда мустақиллигини мустаҳкамлашга берилаётган кўмак учун Совет Иттифоқига миннатдорчилик изҳор этди.

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

✦ АММОН. Яқин Шарқнинг иссиқ иқлими шароитида қуёш ва шамол энергиясидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш мумкин? Бу масалани Иордания пойтахтида ўз ишини тамомлаган халқаро семинар қатнашчилари муҳокама қилдилар. 16 мамлакатдан келган олимлар доклад қилдилар ва йиғилган кишиларни қизиқтирувчи соҳалардаги муваффақиятларни айтиб бердилар, иорданиялик касбдошларининг тажрибаси билан танишдилар.

Иорданияда қуёш ва шамол энергиясидан бунёдкорлик мақсадларида фойдаланиш ишлари олти йил муқаддам бошланган эди. Подшолик илмий жамиятининг мутахассислари бу ишга бошчилик қилдилар. Аввал бошда 7 та чоғроқ система барпо этилди, улар мамлакат метеорология муассасаларига қарашли ретрансляция станцияларига энергия бериб турибди. Ҳозирги вақтда йирик сув насос комплексларини қуёш ва шамол энергияси билан таъминлайдиган яна учта система қуриб битказилди.

◆ ҚОҲИРА. Миср олимлари мамлакатнинг биринчи иқтисодий харитасини тузиб бўлдилар. Харита МАРнинг ҳамма вилоятлари ва уларнинг имкониятларини иқтисодий жиҳатдан батафсил тасвирлайди: бу вилоятларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг қайси тармоқларини ривожлантириш мумкинлигини, улар табиий ресурслар ва иш кучи билан қандай таъминланганлигини акс эттиради.

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ КОБУЛ. Афғонистондаги Забул вилоятининг яна 50 нафар деҳқон оиласи ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат олди. Бир неча кун муқаддам 520 тадан кўпроқ мана шундай ҳужжат Ҳирот вилоятининг деҳқонларига тақсимлаб берилган эди. Улар давлатдан бепул ва узоқ муддатли кредит тарзида химиявий ўғит, уруғлик ҳам олдилар.

Ҳозир Кобул вилоятининг ўзида 54 та қишлоқ хўжалиги ва 117 та матлубот кооперативи ишлаб турибди. Уларда 10 мингга яқин киши биргаликда меҳнат қилмоқда. Ҳаммаси бўлиб эса мамлакатда 140 мингга яқин деҳқон ва ҳунарманд турли кооперативларга бирлашган.

◆ АММОН. Яқин Шарқнинг иссиқ иқлими шароитида қуёш ва шамол энергиясидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланиш мумкин? Бу масалани Иордания пойтахтида ўз ишини тамомлаган халқаро семинар қатнашчилари муҳокама қилдилар. 16 мамлакатдан келган олимлар доклад қилдилар.

◆ ҚОҲИРА. Миср олимлари мамлакатнинг биринчи иқтисодий харитасини тузиб бўлдилар. Харита МАРнинг ҳамма вилоятлари ва уларнинг имкониятларини иқтисодий жиҳатдан батафсил тасвирлайди: бу вилоятларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг қайси тармоқларини ривожлантириш мумкинлигини, улар табиий ресурслар ва иш кучи билан қандай таъминланганлигини акс эттиради. Бу харита Миср иқтисодий ва социал тараққиётининг янги планини амалга оширишда катта ёрдам беради.



ЧЕХОСЛАВАКИЯ. «Гандлова» кўмир разрезининг (Марказий Словакия) кончиси Ян Прочнер бўш вақтининг кўп қисмини ёғоч ўймакорлигига бағишлайди. У бу ишни катта маҳорат билан бажаради. У кўпгина ижодий виставкаларда ўз буюмларини намойиш қилган. Унинг «Кончилар шахматлари» скульптура экспозицияси бир неча йил давомида яратилган бўлиб, Братиславадаги Словак миллий музейида доимий экспозиция бўлиб қолган.

СУРАТДА: Ян Прочнер ўз устахонасида.
ЧТК — ТАСС фотоси.

КАЛЕЙДОСКОП

### КАРПАТ БУМЕРАНГИ

Карпат ғорларининг бирида поляк археологлари қадимги қуроллар билан бирга бумеранг (ўроқсимон отиш қуроли) ҳам топишди. Бу топилмага камида 25.000 йил бўлган деб фараз қилинмоқда.

Мазкур бумеранг мамонт тишидан ясалган экан. Шуниси ажабланарлики, у австралияликларнинг шунга ўхшаш қуролини эслатади. Тўғри отилганда у маълум масофагача учиб боради ва сўнгра мерганга қайтиб келади. Шундай қилиб, қадимда нафақат Австралияда, балки бошқа мамлакатларда ҳам шундай қурол мавжуд бўлган деган тахмин тасдиқланди, деб хабар беради Болгариянинг «Народна младеж» газетаси.

### ХЛОРСИЗ БАССЕЙН

Парижлик чўмилиш ихлосмандлари ҳадемай сувини хлорлаш ўрнига, ультрабинафша нур билан ишлов бериладиган бассейнга қатнаш имкониятига эга бўлишади.

Бунинг учун даниялик сузувчи Пауль Каас томонидан махсус мослама яратилди. Мазкур аппарат хлорланган водопровод сувини ўтказувчи учта камерадан иборат. Биринчи камерада сув инфрақизил нурлар билан иситилади, иккинчисида сув хлордан тозаланади, сўнггисида эса ультрабинафша нурлари бактерияларни йўқотади. Бу мосламанинг афзаллиги шундаки, уни мавжуд ишлаб турган бассейнларга ҳам ўрнатиш мумкин. Шунингдек мослама тайёрланган жисм коррозияга чидамли бўлиб, ишлаш муддати 25 йилга кафолатланади, деб ёзади Чехословакиянинг «Недельна правда» газетаси.

